

**“Конвин” АЖ акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича
Хабарнома**

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядор, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖ, Сизга 2021 йил 26 июнь куни соат 11-00 да Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида (жамият мажлислар залида) 2020 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2021 йил 26 июнь куни соат 10-00 дан бошланиб соат 10-45 га қадар давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1). Жамият кузатув кенгашининг 2020 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.

2). Жамият бошқарув раисининг 2020 молиявий йил якунлари ва бизнес - режани бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

3). Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.

4). Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

5). Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш.

6). Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тўғрисида;

7). Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

8). Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

9). Жамиятнинг 2021 йил йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш.

10). Жамият кузатув кенгашини тафтиш комиссиясини сайлаш.

11). Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари билан ҳар иш куни соат 14-00 дан 18-00 га қадар Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖда танишишингиз мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 26 июнь куни соат 10-00 дан 10-45 гача амалга оширилади. Акциядорлар йиғилишига жисмоний шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан, вакиллари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан, юридик акциядорлар эса ишончнома билан келишлари шарт. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 22.06.2021 йил ҳолатига шакллантирилади.

Қўшимча маълумотлар учун:

Жамият расмий корпоратив веб сайти: www.aokonvin.uz

Электрон почта манзили: oaokonvin@mail.ru

Телефон: 0(370) 742-18-35

“Конвин” АЖ Кузатув кенгаши